**Shu aziz VATAN — barchamizniki!**

# O‘ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 20-may. Seshanba • 62 (31.809) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Президент Ислом Каримов Шанхайга келди

ШАНХАЙ, 19 май. ЎзА махсус мухбири Баҳодир ЭРГАШЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммити йиғилишида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарини Шанхай шаҳрининг «Хунцяо» халқаро аэропортида ХХРнинг расмий шахслари тантанали равишда кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Си Цзиньпин 20 май куни икки томонлама учрашув ўтказади. Суҳбат чоғида икки давлат раҳбарлари стратегик шерикликнинг устувор мақсадли вазифалари ва мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли масалаларини атрофлича муҳокама қилади.

Президент Ислом Каримов 21 май куни Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммити йиғилишида иштирок этади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш қитъада ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро форумдир. Кенгашнинг асосий мақсади кўп томонлама муносабатларни ишлаб чиқиш орқали бу йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Бугунги кунда Кенгашга 24 давлат аъзо. Тўққиз мамлакат ва тўрт халқаро ташкилот унинг кузатувчилари ҳисобланади.

**ЎзА**

ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН



## Юртда тинчлик барқарор экан,

### *барча эзгу ғоялар рўёбга чиқади, ёшлар соғлом камолга етади*

**Фарзандларимиз соғ-саломат униб-ўссин, Ватан корига ярайдиган инсон бўлиб улғайсин. Бу ҳар бир ота-онанинг дилидаги эзгу ният, орзу-тилакдир. Юртимизда тинчлик ва осойишталик барқарор экан, бу истаклар амалга ошаверади.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорликда **«Ёшларни миллий ўзликни англаш, тарихий хотирага садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда мафкуравий иммунитетини шакллантиришда Ўзбекистон ХДПнинг вазифалари»** мавзуида ўтказган семинарда бу фикрлар қайта-қайта таъкидланди.

► *Давоми 2-бетда.*

СЎЗ — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

## Ўзбекистон халқи ўзининг бой тарихи ва бугунги нуфузи билан фахрланса арзийди

**Аввал хабар қилинганидек, 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. ЎзА махсус мухбири анжуман иштирокчиларининг таассуротлари билан қизикди.**

**Бруно БОДДЕНБЕРГ,** ***Дортмунд университети профессори (Германия):***

— Илм-фанни ривожлантириш, олимлар сафини кенгайтириш, ҳар соҳада профессионал кадрларни етиштириш жаҳоннинг барча мамлакатлари учун бирдек долзарбдир. Шу нуқтаи назардан «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция муҳим аҳамият касб этди. Бинобарин, ушбу конференция жаҳонда фан-таълимни янада ривожлантиришга, ўрта асрлар Шарқи буюк алломаларининг илмий меросини, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшади.

Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Ўзбекистонни, мўъжизавий шаҳарларингизни кўриб, миллий урф-одатларингиз билан танишиб, ўлкангизга мафтун бўлиб қолдим. Ўзбекистон сеҳрли диёр, Самарқанд эртаклар шаҳри экан. Мамлакатингизда ноёб муҳандислик лойиҳалари асосида яратилган обидалар, ҳайратомуз миноралар, халқ амалий санъати дурдоналарини кўриб ҳайратландим. Айниқса, Регистон ансамбли, Амир Темур мақбараси ва бошқа обидаларнинг бетакрор меъморий услуби, асл ҳолида сақланиб келаётгани жуда ҳайратланарли.

**Нишат МАНЗАР,** ***Жамия Миллия университетининг тарих ва маданият факультети доценти (Ҳиндистон):***

— Илм ўчоғи сифатида олиму фузалоларни ҳамиша ўзига чорлаб келган қадимий Самарқандда бўлиб ўтган халқаро конференцияда иштирок этганимдан жуда бахтиёрман. Бу ерда бир вақтнинг ўзида тарихий ва замонавий шаҳарни кўриш мумкин. Кўп асрлик қадимий биноларни кўриб, узоқ ўтмишга саёҳат қилсангиз, янги бино ва иншоотлар бугунги давр тараққиёти, фан-техника имкониятларидан далолат беради.

Ўзбекистонда шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳлик, маданият соҳаларини тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман, лекин ўзбек халқидек меҳмондўст, дастурхони доимо очиқ элни кўрмаганман. Бу юртингиздаги тинчлик-осойишталик, халқингизнинг фаровон турмушидан далолат беради. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлардан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олса арзийди.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Ҳиндистонда Ўзбекистон маданияти ва тарихига қизиқиш жуда катта. Ҳиндистонликлар ўзбек заминида туғилиб ўсган буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодини, асарларини катта қизиқиш билан ўрганадилар.

Халқаро конференцияда Абдураззоқ Самарқандий асарлари ҳақида маъруза қилдим. Аллома тарих ва тил-адабиёт фанлари бўйича чуқур маълумот эгаси бўлган. Унинг «Матлаъи саъдайн» асари ўз даврида шуҳрат топган ва бир қанча тарихнавислар томонидан эътироф этилган. Бу асар, шунингдек, Темурийлар даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва халқаро муносабатлари тарихига оид нодир ва ишончли манба сифатида ҳам Европада танилган.

**ЎзА махсус мухбири**
**Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.**

*Давоми 3-бетда.*

ЎзХДП: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

## Депутат сўрови институти

### *партия электорати манфаатларини ҳимоя қилмоқда*

**Халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашларига партиямиздан сайланган депутатлар ўз ваколатларидан қай даражада фойдаланяпти? ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши шу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Депутатлар, партия гуруҳлари фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар мунтазам таҳлил қилиб боriляпти, улар фаолиятини кучайтириш борасида тегишли таклифлар беріляпти.**

**Вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров**нинг таъкидлашича, қонуний ваколатларидан самарали фойдаланаётган депутатлар, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш бўйича ижобий натижаларга эришмоқда.

► *Давоми 2-бетда.*

## Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш

### *тизими такомиллашади*

ҚОНУН ВА ШАРҲ

**ҲАР БИР ФУҚАРО КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРГА СЎЗСИЗ РИОЯ ҚИЛИШИ ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ. ҚОНУНЛАРГА ҲУРМАТ, ИТОАТГЎЙЛИК ЭСА, ЭНГ АВВАЛО, ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ДАРАЖАСИГА БОҒЛИҚ.**

⇨ 2

ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ



## «Келажакка бир қадам»

Тадбирда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўзларининг санъат асарлари билан иштирок этишди. Ёқимли мусиқа садоларига ҳамоҳанг тарзда ўз иқтидорини намойиш этаётган болаларни кузатган киши беихтиёр ўйга толади: ҳар бир кўнгилда яшашга, завқланишга интилиш бор.

⇨ 2

**ЎзХДП аҳолининг ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул усули бандлик даражасини оширишдир, деб ҳисоблайди. Шунинг учун партиянинг маҳаллий ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари Кенгашларидаги гуруҳлари ҳар бир туман ва шаҳарда 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини тўлиқ таъминлаш жараёнида фаол иштирок этади.**

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

## Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг очиқлиги

ЎзХДП учун принципиал аҳамиятга эга



www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП ҲАЁТИДАН

## Фуқаролик позицияси шаклланишида

### *бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутади*

**ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими ҳамкорлигида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.**

Унда бошланғич ташкилотлар билан ишлашнинг янги йўналишларини жорий этиш, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

— Ҳар бир сиёсий партия одамлар ичига кириб бориши, дастурий мақсадларини тарғибот қилиши, электоратни ўйлантираётган масалаларни изчил ўрганиши, уларни ҳал этиш бўйича муқобил таклифлар бериши лозим, — дейди **ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Маҳмуджон Нишонов.** — Буни амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Айни пайтда вилоятимиздаги 300 дан ортиқ бошланғич ташкилотга 14 мингга яқин партия аъзоси бирлашган. Биз ҳар бир бошланғич ташкилот билан алоҳида ишлаш, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга ҳаракат қиляпмиз. ЎзХДП Сирдарё, Боёвут, Гулистон туман ҳамда Янгиер шаҳар кенгашлари бошланғич партия ташкилотлари ишини такомиллаштиришда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Бу эса мавжуд ижтимоий масалаларни чуқур ўрганиш, уларнинг ечими юзасидан партия гуруҳлари билан тизимли ҳамкорлик ўрнатиш имконини бермоқда.

Бугунги семинар-тренинг бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш, шу орқали бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш имконини беради, деб ўйлайман.

— Кучли фуқаролик жамиятини сиёсий партияларнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди **Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сирдарё вилоят бўлими раҳбари Солижон Қудратов.** — Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онгини юксалтириш, мамлакатда кечаётган сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда айнан сиёсий партияларнинг бошланғич ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Шу боис институтимиз томонидан сиёсий партиялар билан ҳамкорликда бошланғич ташкилотлар ишини кучайтириш мақсадида тизимли равишда семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар натижасида бошланғич ташкилотлар фаоллиги ошиб, ёш ва ташаббускор етакчилар сафи кенгайиб бормоқда.

Семинар-тренинг якунида илғор тажрибаларни оммалаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

**Жанглиш ҲАСАНОВА,**
**ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши масъул ходими.**

**Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан Бухоро шаҳрида транспорт қатнови тизимини янада яхшилаш масаласи сессия муҳокамасига киритилди.**

***Сессияда билдирилган таклифлар билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.***

Партиямиз сафидаги ёшлар ҳам ҳар бир соҳада фаол бўлиб, ўз билим ва иқтидорини Ватанимиз равнақи йўлида сарфлашига ишонамиз

ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН

# Юртда тинчлик барқарор экан,

## *барча эзгу ғоялар рўёбга чиқади, ёшлар соғлом камолга етади*

Тадбирда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар ва вилоят партия кенгашлари фаоллари, партия гуруҳлари аъзолари ҳамда ёшлар қатнашди.

Семинарда Президент Ислом Каримовнинг шу йил 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган тинчликни асраш, тинчлик учун курашиш, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари мазмун-моҳиятини чуқур мушоҳада этиб, уларни кенг тарғиб қилиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси юртимиздаги осуда ҳаётнинг қадрига етиши, бугунги таҳликали ва нотинч даврда ҳар доим огоҳ ҳамда ҳушёр бўлиб яшаши зарур. Юртимиз ва унинг атрофида, халқаро майдонда юз бераётган воқеаларни чуқур таҳлил этиб, холис баҳолаб, шундан тўғри хулоса чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

— Юртбошимизнинг ёшларга оид фикрлари мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тушунтириш, бу орқали уларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, уларда мамлакат тараққиётига дахлдорлик туйғусини уйғотишда партиямизнинг ҳам муносиб ўрни бўлиши керак, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов.** — Ёш авлодни ёт ғоя ва мафкуравий хуружлардан асраш, жамиятда соғлом фикрни ривожлантириш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бугунги семинарни ташкил этишдан мақсад ҳам мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик дунёда ҳақли равишда эътироф этилаётганини, бу осойишта кунлар ўз-ўзидан бўлмагани, оғир ва машаққатли синовларни бошимиздан кечириш ҳисобига шу ёруғ кунлар келганини ёшлар онгига сингдириш, уларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш масалаларини атрофлича муҳокама этишдир.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга қаратилгандир. Ўз навбатида ёшлар илм-фан, спорт ва санъат каби соҳаларда эришаётган улкан ютуқлари билан кўрсатилаётган эътиборга муносиб бўлишга интилмоқда. Партиямиз сафидаги ёшлар ҳам ҳар бир соҳада фаол бўлиб, ўз билим ва иқтидорини Ватанимиз равнақи йўлида сарфлашига ишонамиз.

— Истиқлолнинг дастлабки кунларидан ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилгани, ёшлар сиёсати устувор йўналишлардан бири сифатида белгилангани замирида улкан маъно мужассам, — деди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов.** — 9 май куни давлатимиз раҳбари ҳар томонлама салоҳиятли ёшлар хусусида гапирар экан, жумладан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: **«...эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи, давомчиси бўлган, тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фарзандларимизни кўриб, уларнинг чеҳрасига боқиб, олдимизда турган барча-барча юксак марраларни эгаллаймиз, эзгу мақсадларимизга эришамиз, ўз муродимизга етамиз, деган ишончимиз янада мустаҳкамланади».**

Дунёнинг айрим мамлакатларида ўзаро низо, адоват, турли мафкуравий хуружлар кучайган, ёшларнинг таълим-тарбияси эътиборсиз қолаётган бир пайтда Ўзбекистонда ёшлар учун барча шароит ва имконият яратилаётгани қалбимизни қувончга, ғурурга тўлдиради, изланишга, яратишга ундайди...

— Юртимизда истиқлол йилларида бевосита ёшлар манфаатларига хизмат қиладиган, уларнинг сифатли таълим олиши, эркин касб танлаши ва жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашадиган 20дан ортиқ қонун қабул қилинди, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев.** — Ўзбекистон бу борада қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилди. Натижада ёшларимиз давр талабларига тўла мос келадиган, барча шароитларга эга ўқув масканларида таълим олмоқда, спорт мажмуаларида соғлиғини мустаҳкамламоқда. Хусусан, ўтган йили республикамизда 28 янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 объект, 131 касб-ҳунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди.

Бу нимадан далолат беради? Бу, аввало, давлатимиз ёшлар учун ҳеч нарсани аямаётганини кўрсатади. Бундай эътибор ўз олдига катта марраларни қўяётган, бор кучи, билими ва ғайратини намоён этиб, дунёда ҳеч бир мамлакат ёшларидан кам эмаслигини исбот қилаётган йигит-қизларимизни янада юксак чўққиларни забт этишга рағбатлантиради.

— Бугун бизнинг партиямиз ўз сафида 110 мингдан ортиқ ёшни бирлаштирган, — деди **халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси Фарида Жўрабекова.** — Демак, бу каби тадбирларни ёшлар иштирокида кенг миқёсда ташкил этиш, тадбирлар таъсирчанлигини кучайтириш, ёшларга ёшларнинг ўзлари орқали таъсир кўрсатишда биз катта имкониятга эгамиз. Уларни турли оқимлар таъсиридан асраш, тўғри йўл кўрсатишда биз фаоллар, депутатлардан катта масъулият талаб этилади. Айниқса, тинчликни асраб-авайлаш, бугунги кунимизга шукроналик ҳиссини фарзандларимизга сингдириш долзарб вазифадир. Йигит-қизлар билан жонли, самимий суҳбатлар уюштирсак, фикрларини астойдил тинглаб, ҳаётга қарашларини шакллантириб борсак, бу албатта ўз самарасини беради.

— Ҳақиқатан ҳам, бугун бутун дунёда ёшлар онги ва қалбини эгаллашга уринишлар кўзга кўринмас, илғаб бўлмас усулларда олиб борилмоқда ва чуқур илдиз отмоқда, — деди **«Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Нуршод Рамазонов.** — Маънавий заиф, ўз мустақил фикри ва қарашига эга бўлмаган ёшлар уларнинг домига осонгина тушади. Шу боис «Истиқбол» ёшлар қаноти тенгдошларимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларнинг онгига миллий истиқлол ғояларини мустаҳкам сингдиришга интилмоқда. Бугунги тадбир бу борада биз учун жуда аҳамиятли бўлди. Билдирилган фикрлар асосида фаолиятимизни янада такомиллаштиришга ҳаракат қиламиз.

Тадбирда, шунингдек, **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Назира Матёқубова, Дилбар Холиқова** ҳам мавзу юзасидан ўз фикрларини билдиришди. Қизғин савол-жавоб бўлиб ўтди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

ҚОНУН ВА ШАРҲ

# Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш

## *тизими такомиллашади*

*Қонунда ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактика чоралари тушунчаси ва механизми аниқ очиб берилган, бу эса амалиётда мазкур чораларнинг бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлайди ҳамда улар нотўғри талқин қилинишининг олдини олади.*

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, уларнинг таркибида мазкур долзарб масалага алоқадор махсус тузилмалар тизими шакллантирилди. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олувчи давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мажмуаси аниқ белгилаб олинди.

Аммо ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасини тартибга солувчи миллий ҳуқуқий базани суд-ҳуқуқ соҳасидаги давлатимиз сиёсати, давр талабларига мос равишда янада ривожлантириш зарурати туғилган эди.

**«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»**-ги Қонун бу борада ҳуқуқий асосни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мазкур Қонун жорий йил 15 май куни расман эълон қилинди ҳамда шу кундан эътиборан 3 ой ўтгач, кучга киради.

Бу Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси механизмларини янада такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, кўрилаётган чораларнинг батартиблигини таъминлаш ва бошқа масалаларни қамраб олади.

Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида яхлит меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш имконини беради. Жамиятда ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинадиган самарали профилактика тизимини яратади.

**Хўш, Қонуннинг асосий янгиликлари нималардан иборат?**

Аввало, унда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси белгилаб берилган. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботга, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тизими назарда тутилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси деганда, айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тушунилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси эса ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ва содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолиятни билдиради.

Қонунда ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактика чоралари тушунчаси ва механизми аниқ очиб берилган, бу эса амалиётда мазкур чораларнинг бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлайди ҳамда улар нотўғри талқин қилинишининг олдини олади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ўтказади. Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими белгилаб берилди. Улар фаолиятининг асосий йўналишлари ва ваколатлари аниқлаштирилди.

Умуман, Қонун ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши умумий курашиш имкониятини кучайтиради, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигига, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳамда итоатгўйлик кўникмасини мустаҳкамлашга ижобий таъсир этади.

**Алишер ТИЛЛАБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

*Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

ЎзХДП: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

# Депутат сўрови институти

## ***партия электорати манфаатларини ҳимоя қилмоқда***

Яқинда ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши барча даражадаги маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари бўлган 125 нафар депутат юборган депутатлик сўровлари ва уларнинг натижаларини умумлаштирди. Бу депутатлар қонун билан кафолатлаб қўйилган депутатлик сўрови юбориш ҳуқуқидан қай даражада фойдаланаётгани ҳақида хулоса чиқариш имконини берди.

Халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган 8 нафар депутат депутатлик сўрови имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор қаратяпти. Хусусан, ўтган йили депутат Зарифбой Ҳасанов сўровига асосан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг тумандаги ижроси ҳақидаги масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритилиб, бу ҳақида туман ҳокими ўринбосари Мақсуд Раҳимовнинг ҳисоботи тингланди. Масала юзасидан сессия қарори қабул қилинди ва мазкур қарор ижроси партия гуруҳининг доимий назоратида бўлди.

— Ҳозир бошқа вилоятлар, бошқа шаҳарларга борадиган йўловчилар кўпроқ поездга чиқишни афзал кўради, — дейди **халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Боғибек Қосимов.** — Йўловчиларга қулайлик яратиш учун ўтган йилларда «Урганч-Тошкент» йўловчи поездига қўшимча равишда «Тошкент-Шовот» йўловчи поезди қатнови ҳам йўлга қўйилди. Лекин бу йўловчи поезди Ҳазорасп бекатида тўхтамас эди. Ваҳоланки, Питнак шаҳри, Ҳазорасп ва Боғот тумани аҳолиси учун мазкур бекатдан поездга чиқиш, тушиш нисбатан яқин ва қулай. Фуқаролар шу масалани ижобий ҳал қилишни сўраб мурожаат қилишди. «Тошкент-Шовот» поезди Ҳазорасп бекатида тўхтаб ўтиши йўловчиларга қўшимча имкониятлар яратиши ҳақида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раисига мурожаат қилдим. Кўп ўтмай, масала ижобий ҳал бўлди. Минглаб йўловчилар бундан жуда хурсанд.

Умуман, Боғибек Қосимовнинг ўз ваколатларидан самарали фойдаланаётганини бошқа депутатларга ўрнак қилиб кўрсатиш лозим. Мисол учун, Ҳазорасп шаҳарчасида аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда юзага келган муаммони бартараф этиш юзасидан «Туямўйин-Урганч» минтақавий сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси раҳбарига, шаҳарчанинг «Нурли йўл» кўчасига қўшимча электр трансформатори ўрнатиш бўйича туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарига йўллаган депутатлик сўровлари бўйича ижобий жавоблар олинган.

> Халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгашидаги депутатларимизга аҳолидан 50 га яқин мурожаат тушган. Уларнинг бирортаси ҳам эътиборсиз қолдирилмаган.

Депутатлик сўровларининг жойлардаги у ёки бу муаммо ечимига қаратилгани, ЎзХДП электорати манфаатини ҳимоя этишга хизмат қилаётгани аҳамиятлидир. Мисол учун, депутат Ю.Оллобергановнинг Питнак қишлоғида ерлардан тўғри ва самарали фойдаланиш, қишлоқда аҳолининг ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш, депутат З.Ҳасановнинг «Саноат» қишлоғида фаолият юритаётган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконларда банк пластик карточкалари орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш, депутат Р.Салоевнинг қишлоқда тиббий хизматни замон талаблари даражасига кўтариш, депутат С.Худошукуровнинг «Карвак» қишлоғи аҳолисини электр энергияси билан таъминлашни янада яхшилаш масалаларида қилган депутатлик мурожаатларининг аксарияти ижобий ечим топган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтирса бўлади.

Халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгашидаги депутатларимизга аҳолидан 50 га яқин мурожаат тушган. Уларнинг бирортаси ҳам эътиборсиз қолдирилмаган. Бир хил мазмундаги — ҳудуддаги айрим муаммолар юзасидан билдирилган бир неча мурожаат умумлаштирилиб, ечимини топиш учун туман, вилоятдаги масъул ташкилотларга сўровлар билан чиқилган.

Умуман, одамлар ишончини қадрлаган, халқ вакили бўлиш нималигини ҳис қилган, ишга виждонан ёндашаётган депутатлар ҳар доим ҳаракатда, изланишда.

Лекин вилоятнинг айрим туман, шаҳар Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари ижро ҳокимияти органларига депутатлик сўрови билан мурожаат қилмаган. Баъзи сўровлар жойлардаги кўпчиликни ўйлантираётган муаммолар ечимига эмас, тор манфаатларга қаратилган. Шундай сўровлар борки, уларда кўтарилаётган муаммо сабаблари, ечиш йўллари аниқ кўрсатилмаган. Бу эса депутатлик сўровларининг натижасиз қолишига сабаб бўлган.

Таҳлил давомида шу нарса аниқландики, бир туманнинг ўзида икки хил ишлайдиган депутатлар бор. Бири сустроқ, амалий иши камроқ, бошқаси эса фаол, фидойи.

Бизнингча, ўз фаолиятига танқидий ёндашаётган, долзарб масалаларни биргаликда муҳокама қилаётган, сайловчилар билан доимий алоқани йўлга қўйган, ҳаёт билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилаётган депутатлар кўпроқ ютуқларга эришади.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

# «Келажакка бир қадам»

ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

**«Санвикт» ногирон болалар илмий-тадқиқот, бадиий марказида «Соғлом бола» йилига бағишлаб, «Келажакка бир қадам» хайрия тадбири бўлиб ўтди. Ушбу тадбир имконияти чекланган ва кам таъминланган болаларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг истеъдодини намоён этиш мақсадида ташкил этилди.**



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Гулсара Ражабованинг болалиги имконияти чекланган кишилар орасида ўтди. Ўшанда у катта бўлса, албатта, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак беришни мақсад қилган эди. Бу йўлда тинмай ўқиди, изланди.

Йиллар ўтди. Гулсара ўқишни битириб, ўзининг ёшликдаги орзусини амалга оширди. Имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватловчи марказ очди.

Биз бу аёлни ўнлаб болалар қуршовида кўрдик. Мураббий уларга амалий санъатнинг нозик сирларини ўргатар, кимгадир расм чизишга кўмаклашса, бошқа шогирдининг ҳайкал ясашига ёрдамлашар эди.

— Ҳаммаси ажойиб тарзда бошланди, — дейди **марказ раҳбари Гулсара Ражабова.** — Санъат кўргазмаларининг бирида ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этдим. Унда республикамизнинг турли вилоятларидан келган имконияти чекланган болалар қатнашган эди. Уларнинг айримлари оғзида, бошқалари оёғида мўйқалам тутиб расм чизарди. Рангин жилоларга мафтун бўлган бу болакайларнинг яшашга ва санъатга бўлган иштиёқи мени ўзига ром этди. Шундан сўнг «Санвикт» марказини ташкил этдим.

Унда 50 дан ортиқ имконияти чекланган болалар санъатнинг турли соҳалари бўйича таҳсил олишади. Уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларини битириб чиқишди.

Тадбирда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўзларининг санъат асарлари билан иштирок этишди. Ёқимли мусиқа садоларига ҳамоҳанг тарзда ўз иқтидорини намойиш этаётган болаларни кузатган киши беихтиёр ўйга толади: ҳар бир кўнгилда яшашга, завқланишга интилиш бор.

**Бобур ЭЛМУРОДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Ўзбек халқи томирида буюклар қони оқади...



◀ Конференция жуда чиройли ва қизиқарли бўлди. Ҳеч қайси давлатда илм-фанга бунақа эътибор бўлмаган. Хусусан, Президентингизнинг чиқиши менда ўзгача таассурот уйғотди. Чунки давлат раҳбари бошчилик қиладиган илм-фан конференциялари саноқли. Мен Ислом Каримовга барча конференция қатнашчилари номидан алоҳида ташаккур билдираман.

## ЭЪТИРОФ

**15-16 май кунлари Самарқандда «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

**Мазкур анжуман ишида иштирок этган мухбирларимиз конференция қатнашчиларининг таассуротлари билан қизиқишди.**

**Кюдзо КАТО,**
***археолог, Япония:***

— Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бир неча бор суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлганман. У кишининг конференциянинг очилиш маросимидаги сўзларини тинглаб, бу инсонга бўлган ҳурматим янада ошди. Айниқса, таълим тизимида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил қилар экан. Президентингизнинг ёшларга доимий равишда ғамхўрлик қилиши, улар учун 12 йиллик бепул таълим тизимини яратгани таҳсинга сазовор.

Ўзбекистонга биринчи марта 1963 йилда келган эдим. Ўшанда Самарқандни ҳам зиёрат қилгандик. Ўтган йиллар билан солиштирсак, бу кўҳна шаҳарда оламшумул ўзгаришларни кўряпман.

Самарқанд давлат чет тиллар институтида япон тили ўргатилиши мени жуда ҳам хурсанд қилди. Бу даргоҳнинг мутасаддиларига миннатдорлик билдираман.

Президентингизнинг шу кунгача Ўзбекистон давлатининг тараққий этиши борасида қилган ишларини юксак баҳолайман ва бундан кейин ҳам бу ислоҳотлар давом этишига ишонаман.

Мен Ўзбекистонда нуфузли бўлган «Дўстлик» орденига лойиқ кўрилдим. Бундай юксак мукофотни олиш мен учун шараф. Ўйлайманки, Ўзбекистон билан дўстона алоқаларимиз абадий давом этади.

**Магида Салоҳ МАХЛУФ,**
***Қоҳира университети профессори, Миср:***

— Президент иштирок этган маросимда қатнашиш улкан шараф. Шунингдек, унда ўзинг ҳақингда мақтов эшитиш, ҳар қандай одамга таърифлаб бўлмайдиган ифтихор бағишлайди.

Ислом Каримов конференциядаги маърузасида «Бобурнома» асарини мен томонимдан илк бора араб тилига таржима қилинганини юксак баҳолади. 150 дан ортиқ иштирокчи ичида айнан менинг номим эътироф этилганидан бахтиёрман.

Бундан ташқари, шахсан Президентингиз томонидан имзоланган, 2013 йил 10 декабрь куни битилган хатнинг асл нусхасини беришди. Тўғриси, хурсандчилигимнинг чеки йўқ. Қилган меҳнатим юксак эътибор топди.

«Бобурнома» асарини таржима қилиш жараёнида, унинг кўп тиллардаги таржимасини ўрганиб чиқдим. Улар ичида менга энг маъқул келгани инглиз тилидагиси бўлди ва мен айнан инглиз тилидан таржима қилдим.

Бобур шахсига, унинг салтанатига доим қизиққанман. Шу сабабли ҳам жаҳон тарихида бебаҳо мерос саналадиган «Бобурнома»ни араб тилига таржима қилишга бел боғладим. Энди бу китобни нафақат мисрликлар, балки барча араб давлатларида истиқомат қилувчи одамлар ўқийди.

**Шаръий Абдулҳаким ЖУЗЖОНИЙ,** ***олим, Швеция:***

— Ўзбекистон Президентининг конференция очилиш маросимидаги нутқи мен учун фавқулодда янгилик, жасоратли ташаббус бўлди. Чунки бу инсон Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий меросини кенг маънода ва талқинда, уларнинг бугунги дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси ҳамда аҳамиятини дунё олимларига алоҳида эслатиш билан бирга, ўзбек ёшларига мурожаат қилиб, улар илм-фан соҳасида ўз йўлини топишлари шарт эканини таъкидлади. Ушбу конференция ўша даврдаги бой илмий меросни тиклаш ва уни жаҳон ҳамжамиятига таништиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Ириш КАСПЕР,**
***Штутгарт университети профессори, Германия:***

— Авваламбор, бугунги мураккаб шароитда бундай юксак савиядаги конференцияларнинг ўтказилиши, унда давлат раҳбарининг шахсан қатнашиши кам учрайди. Айниқса, илм-фан соҳасида аниқ ва равон фикр юритиш ҳар қандай Президентнинг қўлидан келмайди.

Мен физика фани бўйича мутахассисман. Юртингизга бир неча бор ташриф буюрганман. Биз Штутгарт шаҳри билан Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ўртасида электро-инженерлик соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Шуни айтишим керакки, юртингиз нафақат илмий меросга бой, балки замонавий илм фанда ҳам юксалмоқда. Электро-инженерлик соҳасидаги илмий тадқиқот институтларининг энг замонавий жиҳозлар билан таъминланганлиги ва уларда ёш маҳаллий мутахассисларнинг фаолият юритиши шундан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек ёшларининг самимийлиги, изланувчанлиги мени қойил қолдирди.

**Марк БОННЕЛ,**
***«Авиценна-Франция» ассоциацияси президенти, профессор, Франция:***

— Конференция жуда чиройли ва қизиқарли бўлди. Ҳеч қайси давлатда илм-фанга бунақа эътибор бўлмаган. Хусусан, Президентингизнинг чиқиши менда ўзгача таассурот уйғотди. Чунки давлат раҳбари бошчилик қиладиган илм-фан конференциялари саноқли. Мен Ислом Каримовга барча конференция қатнашчилари номидан алоҳида ташаккур билдираман.

Мен Ўзбекистонга бир неча маротаба ташриф буюрганман ва ҳар гал Ўзбекистоннинг янги қирраларини кашф этяпман.

Ўзгаришлар жуда катта, хусусан, Самарқанд кўчалари охирги йилларда янада гўзаллашган. Самарқанд ўзининг қадимийлиги ва чиройи билан ҳар бир кишини мафтун этиб келади. Итальян олими Луиджи Аркаддинининг бир гапи бор: **«Ер юзини етти марта айлангандан кўра Самарқандни бир марта айланинг».**

Мен шифокорман. Ўз касбимдан келиб чиққан ҳолда шуни айтишим керакки, биз Европа вакиллари Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Синони жуда ҳам ҳурмат қиламиз. Унинг «Тиб қонунлари» китоби ўз аҳамиятини ҳануз йўқотмаган.

Ўзбекистон иқтидорли ва ақлли ёшлар мамлакати. Ўзбек болалари ўзининг тиришқоқлиги билан мени ҳайрон қолдирган. Бу ёшлар орасида жаҳон миқёсида машҳур шифокорлар етишиб чиқишига ишонаман.

**Кадиржан КЕСКИНБОРА,**
***Бехчешехир университети профессори, Туркия:***

— Ўзбекистонга иккинчи марта келдим. Самарқанд жаннатмакон шаҳар. Ҳавоси тоза, халқи меҳмондўст.

Президентингизнинг ўрта аср илм-фанини ўрганишга бўлган эътибори таҳсинга сазовор. Жуда кўп мамлакатларда ташкил этилган илмий анжуманларда иштирок этганман. Илм-фанга бағишланган конференцияда давлат раҳбарининг қатнашиши бу давлатнинг келажакка бўлган улкан эътибори нишонасидир.

Мен тиббиёт тарихидан дарс бераман. Фаолиятим давомида Ибн Сино илмий меросини ўрганиб келаман ва ўзимни ибн синошунос олим дея оламан. Унинг жаҳон тиббиёти ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс. Мен тайёрлаб келган мавзу Ибн Сино ҳақида. Унинг «Тиб қонунлари» асарини алоҳида таъкидлаб ўтишим керак. Жарроҳлик, доришунослик, ички касалликлар, суяк синишлари ҳақида ўз даврининг қимматли маълумотларини мужассамлаштирган тўрт томли китобни тиббиёт тарихидаги энг буюк асар деб ҳисоблайман. Бу китобдаги кўпчилик терминлар ҳозир ҳам медицинада ишлатилади.

Ўзбек халқи томирида Ибн Сино, Улуғбек, Беруний, каби буюклар қони оқади ва бу ҳар жабҳада кўриниб туради. Ўзбекларнинг зеҳни жуда ўткир.

Мен Истанбулда тиббиёт муассасаси очиш арафасидаман ва бу муассаса Ибн Сино номи билан аталади. У ерда Ибн Сино фаолиятини янада чуқурроқ ўрганамиз.

> Мен тиббиёт тарихидан дарс бераман. Фаолиятим давомида Ибн Сино илмий меросини ўрганиб келаман ва ўзимни ибн синошунос олим дея оламан. Унинг жаҳон тиббиёти ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс.

**Радослав СТЕРНА,**
***Варшава университети доценти, Польша:***

— Дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман. Баъзи давлатларда яйдоқ чўл ўртасидаги замонавий бинолардан бошқа нарса йўқ. Ўзбекистонда эътиборимни тортган жиҳат, Тошкент ҳам, Самарқанд ҳам дарахтлари кўп, яшил шаҳар.

Тошкентда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлдим. Очиғи, ўзбек ёшлари учун яратилган шароитга ҳавасим келди. Чиндан ҳам, юртингизда ёшларнинг таълим олишлари, ўз маҳоратларини янада оширишлари учун барча шароитлар яратилган. Халқаро конференциялар эса Ўзбекистонга жаҳон илм-фанига интеграциялашув имконини беради.

Сизлар қадимий маданиятингиз, буюк аждодларингиз ва тенги йўқ китобларингиз билан фахрланишга ҳақлисизлар.

Давлат раҳбари одамлар билан мулоқот қила олиши керак. Мен Ўзбекистон Президентида ўз халқи билан яқинликнинг юксак намунасини кўрдим. У кишининг сўзларини ҳамма берилиб тинглади. Президентингиз кўп бора «сиз нима деб ўйлайсиз?» деб қатнашчиларга мурожаат қилди. Айнан шу жиҳати менга жуда маъқул бўлди.

**Али БАБАЕВ,**
***Озарбайжон фанлар академияси математика-механика бўлими бошлиғи, Озарбайжон:***

— Мен Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Юртингизнинг ҳам қадимий, ҳам замонавий бинолари мени ҳайратга солди. Табиати ҳам ўзига хос. Одамлар самимий, меҳмондўст.

Конференция ҳақида гапирадиган бўлсам, бундан яхшироқ ташкилотчилик бўлиши мумкин эмас. Мен ўзим ҳам Бокуда кўплаб халқаро анжуманлар ўтказганман. Тўғрисини айтсам, бундай ишларни қилолмаганман. Мана, ҳамма меҳмонларнинг кайфияти аъло. Аслида, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

**Доктор Омайма ал-СУХАЙЛИ,**
***Қувайт университети профессори, Қувайт:***

— Президентингизнинг сўзидан қаттиқ таъсирландим. У киши конференция иштирокчиларини хурсанд қиладиган гапларни айтди. Ислом Каримов жанобларининг нутқини илгари ҳам эшитгандим. Ўзим у кишининг қабулида бўлишни орзу қилардим. Биз ўйлаганимиздан ҳам кўп маълумот олдик.

Юртингизда илк маротаба бўлиб турибман, таассуротларим бир олам. Ўзбекистон менга жуда ёқди. Айниқса, Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ғоят гўзал экан. Самарқанд тарихий обидаларга бой экан.

Юртимизда ҳам Ўрта шарқ алломалари ва мутафаккирлари меросини тадқиқ этиш учун, Ўзбекистоннинг қатор олий даргоҳлари билан ўзаро илмий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқчимиз. Яна шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, сизларда таълим соҳасига, ёшлар тарбиясига жуда катта эътибор берилмоқда. Ўз навбатида, ёшларингизнинг илмга чанқоқлиги уларнинг юз-кўзларидан кўриниб турибди.

**«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари Темур АЪЗАМ ва Обиддин МАҲМУДОВлар тайёрлади.**




# Кейинги 20 йилда



## 45 фоизга камайган

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эълон қилинган маърузада қайд этилишича, кейинги 20 йилда оналар ўлими 45 фоизга камайган. 1990 йилда асоратли ҳомиладорлик ва туғиш жараёнининг ўта оғир кечиши оқибатида ярим миллиондан зиёд она ҳаётдан кўз юмган бўлса, 2013 йилда бу рақам 289 мингни ташкил қилган.

Бугунги кунда оналар ўлимининг 60 фоизи Африка ва Осиё мамлакатлари зиммасига тўғри келмоқда.

Дунёда оналар ўлими даражасининг камайиши соғлиқни сақлаш борасида катта ўсишга эришилганидан дарак. Аммо жаҳонда ҳар соатда 33 нафар она ўлим билан олишаётгани соҳа мутахассисларини бефарқ қолдирмаслиги, бу борадаги амалий ишларни янада кучайтиришга ундаши лозим.

Маърузада баён қилинишича, ривожланаётган мамлакатларда аҳвол анча мураккаблигича қолмоқда. Масалан, Чадда ҳар ўн бешинчи онанинг бирига ўлим чанг солса, Сомалида бу рақам ҳар ўн саккизинчисига тўғри келади. Ривожланган давлатларда эса мингдан бир киши ўлим билан юзма-юз келиши исботланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг репродуктив саломатлик масалалари бўлими бошлиғи Марлин Теммерманнинг айтишича, оналар ўлими даражасини янада камайтириш учун соҳага инвестиция жалб этиш даражасини ошириш лозим.

# Оқ айиқлар



## ўтхўрларга айланади...ми?

Барчамиз яхши биламизки, оқ айиқ ўтхўр эмас, балки гўштхўр ҳайвон ҳисобланади. Бироқ «Русская Арктика» миллий боғи директори Роман Ершовнинг «Интерфакс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида таъкидлашича, Франц-Иосиф ери архипелагидаги оқ айиқлар иқлим ўзгаришлари боис тирик қолиши учун ўтхўр бўлишига тўғри келади. Негаки, оқ айиқ ва тюленлар макони бўлмиш мазкур ҳудуд музликлари йилдан йилга қисқариб бормоқда.

Бундан юз йиллар муқаддам архипелаг тўлиқ муз билан қопланиб ётарди. 20 йиллар аввал эса бундай қалин музлар фақат мавсумийлик касб эта бошлади, яъни ёз ойларида музлар эриб кетаётгани боис фақат айсберглардагина учратиш мумкин бўлиб қолди. Бу эса оқ айиқлар севиб истеъмол қиладиган нерплар (тюленлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон) ва денгиз қуёнлари (улар музликларда яшайди) йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. Уларнинг йўқолиши эса оқ айиқлар қирилишига ҳам сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

**Мамлакатимизда йирик ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб, маҳсулот сифати яхшиланишига эришилиши баробарида янги иш ўринлари барпо этиляпти. «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятида ҳам бу борадаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.**

# Муносиб меҳнат шароити ва янги иш ўринлари

*аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилади*

Корхонанинг чорвачилик агрофирмасига асос солинганига кўп вақт бўлгани йўқ. Дастлаб бу ерга хориждан 205 бош наслли қорамол олиб келинган эди. Ҳозирда улар сони 500 га яқинлашди. Ўтган йиллар давомида корхона ишчи ходимларига 17 минг тоннадан зиёд гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб берилди.

Корхонада ишчиларни мева ва сабзавот билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган иссиқхонада 100 дан зиёд ишчи банд. Айни кунда ёрдамчи хўжаликдан ўрта ҳисобда 350-400 килограмм атрофида помидор, бодринг териб олиняпти.

Жамият Нурота туманидаги қаровсиз ҳолда ётган 100 гектар майдонда боғ барпо этди. Натижада 30 нафарга яқин кишининг бандлиги таъминланди. Корхонанинг «Паррандачилик мажмуаси»да айни кунда 20 минг бош парранда боқилмоқда. У ердаги ишчиларнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир.

— Мен касб-ҳунар коллежини тамомлаганимдан сўнг бу ерга ишга қабул қилиндим, — дейди Манзура Ҳикматова. — Ҳозирда корхона ишчи ва хизматчиларига бир кунда ўрта ҳисобда 18 минг дона тухум етказиб бермоқдамиз. 29 нафар ишчи меҳнат қилаётган мажмуамизда 22 минг дона наслли жўжа парваришланмоқда. Иш шароитимиз яхши, ойлик маошларимиз кўнгилдагидек.

ОАЖда олиб борилаётган бундай кенг кўламли ишлар, аввало, ишчи ходимларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда дастурхонимиз тўкинлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**


## РЕКЛАМА ЎРНИДА

Qishloq Qurilish Bank

# Тиббий муассаса

*банк кредити орқали ташкил этилди*

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Айниқса, сўнгги йилларда юртимизнинг чекка ҳудудларида замон талабларига тўла жавоб берадиган тиббий муассасаларнинг ортаётгани ҳам амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалий натижасидир.




Ушбу тиббий муассасаларнинг аксарият қисми тижорат банкларининг молиявий кўмагида барпо этилмоқда. Биз ҳам яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда «Астро-Нейромед» масъулияти чекланган жамиятини 2012 йилда ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Янгиер филиали кўмагида барпо этдик. Хусусий шифохона қуриш бўйича бизнес-режамизни мазкур банкка тақдим этдик. Қисқа муддатда лойиҳамиз ўрганиб чиқилди ва 200 миллион сўм кредит ажратилди. Сармояни замонавий тиббий муассаса биносини қуриш ва замонавий тиббиёт ускуналари олиб келишга йўналтирдик. Ҳозирда тиббий муассасамизда тажрибали шифокор ва ҳамширалар аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Хусусан, ўтган йиллар давомида иш билан таъминланган 19 нафар ёш мутахассисдан 2 нафари коллеж битирувчисидир.

2013 йилда «Астро-Нейромед» масъулияти чекланган жамияти кредит маблағларидан унумли фойдаланган ҳолда 106 миллион сўм соф фойда олишга эришди.

**Жамшид ЖАББОРОВ, «Астро-Нейромед» МЧЖ раҳбари, Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Стадиондаги спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар хоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, янги видео-табло ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ўрнатилди

# Спорт иншоотлари

## мусобақаларга тайёр




**«БАРКАМОЛ АВЛОД — 2014»**

**«Кичик олимпия» деб таърифланаётган «Баркамол авлод» ўйинларида спортнинг 16 тури бўйича мусобақалар ўтказилади. Бугун Наманагандаги спорт майдонлари ва иншоотлари мусобақаларга тайёр қилиб қўйилди.**

Мусобақанинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказиладиган «Навбаҳор» стадиони тўлиқ таъмирланди ва унинг атрофида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ўйингоҳда йигирма икки минг томошабин учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар хоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, янги видео-табло ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ўрнатилди.

Нуфузли мусобақага тайёргарлик ишлари ҳақида Наманган вилоят Маданият ва спорт ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Илҳомжон МИРЗАБОЕВ билан суҳбатлашдик.

***— Аввал мусобақа иштирокчилари сони ҳақида маълумот берсангиз?***

— Ушбу нуфузли мусобақанинг финал босқичида қатнашадиган спортчи, мураббий ва ҳакамларнинг умумий сони 1403 нафарни ташкил этади. Жумладан, спортчилар 996 нафар, шундан 342 нафари қизлар, мураббийлар 224 нафар, ҳакамлар 183 нафар, уларнинг 73 нафари вилоятлардан, 80 нафари спорт федерацияларидан, 15 нафари спорт турлари бўйича бош ҳакамлар ва яна 15 нафари бош ҳакамлар ҳайъатини ташкил этади. Мезбонлар яъни, Наманган вилоят терма жамоаси таркиби 97 кишидан иборат.

***— Беллашувлар ўтказиладиган спорт иншоотлари ҳақида тўхталсангиз.***

— «Баркамол авлод — 2014» мусобақаларининг финал босқичи вилоятимизнинг энг йирик ва замонавий спорт иншоотларида ўтказилади. Наманган Олимпия захиралари коллежи, «Дўстлик» теннис корти, «Баркамол авлод» спорт мажмуаси ҳамда Олий спорт маҳорати мактаби, Наманган муҳандислик педагогика институти спорт зали тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, энг замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. Спорт иншоотларининг атрофлари ва ҳудудлари ободонлаштирилди.

Жумладан, «Баркамол авлод спорт мажмуаси»да мукаммал таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Бу ерда футбол, қўл тўпи, енгил атлетика, оғир атлетика, сузиш, шахмат, бадиий гимнастика бўйича мусобақалар ўтказилади.

Иштирокчилар 614 нафардан иборат бўлиб, уларнинг 504 нафарини спортчи, 110 нафарини мураббийлар ташкил этади. Мажмуада стадион, замонавий манеж, 4 турли ўлчамдаги спорт заллари мавжуд. Оғир атлетика залига барча спорт жиҳозлари ўрнатилди. Қўл тўпи, бадиий гимнастика спорт турлари бўлиб ўтадиган манеж учун ҳимоявий девор тўрлари ва бошқа спорт жиҳозлари олиб келинди. Бугунги кунда спорт иншоотини байрамона безатиш, кўргазмали воситалар билан таъминлаш ишлари якунига етмоқда.

Олий спорт маҳорати мактабида бокс, дзюдо, эркин кураш, юнон-рум кураши бўйича мусобақалар ўтказилади. Иштирокчилар 350 нафардан иборат. Уларнинг 280 нафари спортчи ва 70 нафари мураббийдир. Ушбу иншоотда учта 36х18 ўлчамдаги спорт зали ҳамда оғир атлетика зали мавжуд.

«Дўстлик» теннис кортида катта теннис ва стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилади. Иштирокчилар 112 нафарни ташкил этади. Уларнинг 84 нафари спортчи ва 28 нафари мураббийдан иборат. Ушбу иншоотда саккизта очиқ ва иккита ёпиқ кортлар мавжуд.

Наманган Олимпия захиралари коллежида баскетбол мусобақалари ўтказилади. Иштирокчиларнинг 64 нафарини спортчи, 8 нафарини мураббийлар ташкил этади.

Наманган муҳандислик педагогика институти спорт залида волейбол мусобақалари ўтказилади ва бу ерда 64 нафар спортчи, 8 нафар мураббий иштирок этади.

***— Шу кунларда барча терма жамоалар мусобақаларга ҳаяжон билан катта тайёргарлик кўрмоқда. Мезбонларнинг тайёргарлиги қандай кечмоқда?***

— Наманган вилоят терма жамоалари аъзоларининг «Баркамол авлод-2014» спорт мусобақалари финал босқичида муносиб иштирок этишини таъминлаш мақсадида махсус режалар ишлаб чиқилган. Наманган шаҳрида баскетбол, бокс, енгил атлетика, бадиий гимнастика, шахмат, эркин кураш, юнон-рум кураши, таэквондо (WTF) турлари бўйича жамоалар аъзоларининг машғулотлари ташкил этилган. Шунингдек, Чортоқ туманида ўғил болалар волейбол терма жамоаси, Учқўрғон туманида гандбол бўйича ўғил болалар термаси, Чуст туманида стол тенниси, Янгиқўрғон туманида волейболчи қизлар, Косонсой туманида гандболчи қизлар тайёргарлик кўришмоқда. Оғир атлетикачиларимиз эса Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ўқув-йиғин машғулотларини олиб боришяпти. Биз мусобақаларда муносиб иштирок этишга тайёрмиз.

**Санжарбек ҲАМИДОВ суҳбатлашди.**

**КЎРГАЗМА**

# «Илк қадам»

**Икуо Хираяма халқаро маданият карвон саройида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Муҳаббат Мусахонованинг «Илк қадам» номли кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Болалигидан расм чизишга қизиққан Муҳаббатни ота-онаси Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатига ўқишга беришди. У 2007 йилда ўқишни якунлагач, Республика рассомлик коллежида таҳсил олди. 2010 йилда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналиши бўйича республика кўрик танловида 1-даражали диплом билан тақдирланди.






— Бугунги кўргазмада қиркдан ортиқ асарларимни намойиш этяпман, — дейди Муҳаббат Мусахонова. — Улар асосан портрет, манзара каби жанрларга мансуб. Кўпинча, инсоннинг ички оламини унинг юзида акс эттиришга ҳаракат қиламан. Биринчи устозим — онам. Коллежда Билолиддин Муллажонов, институтда Муҳаммаддиёр Тошмуродов каби рассомлардан таҳсил олдим...

**Саидбобур МАКСУМОВ, ЎзДЖТУ талабаси.**

**Фаррух Алиев олган суратлар.**

**ТАНЛОВ**

Ўзбекистон Бадиий Академияси марказий кўргазмалар залида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида **«Камалак жилоси»** Республика расмлар кўрик танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

# «КАМАЛАК ЖИЛОСИ»

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Халқ таълими вазирлиги, Бадиий Академия, Республика «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган танловда 1500 нафардан ортиқ меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари қатнашди.

Танлов ҳайъати хулосасига кўра, **Ольга Алексеева «Биз», Беҳруз Жумабоев «Баҳор фасли», Юрий Савин «Оқ кема», Бобошер Мавлонов «Буюк ипак йўли»** асарлари учун диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Мен Жиззах вилояти 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчисиман, — дейди Беҳруз Жумабоев. — Танловда **«Баҳор фасли»** номли асарим 1-ўринга лойиқ топилди. Бундан жуда хурсандман.

Тадбир давомида ёш санъаткорлар ва рақс гуруҳларининг чиқишлари барчани хушнуд этди.

**Саидбобур МАКСУМОВ, ЎзДЖТУ талабаси.**


**РЕКЛАМА ЎРНИДА**

# «КАПИТАЛБАНК»:

# сармоянгизни кўпайтиришга хизмат қилади

**Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига асосан 2014 йилнинг 1-чорагида банк томонидан хўжалик юритувчи субъектларга 24,9 миллиард сўм кредит ажратилган.**



KAPITALBANK

*МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ*

Банк кредитлари орқали ўз бизнесини йўлга қўйиб, оиласи фаровонлигини таъминлаш билан бирга янги иш ўринлари ташкил этаётган мижозлар сони кўпчиликни ташкил қилади.

**Азиз ЖОЛДАСОВ,**
***«Nur-Aziz Nukus» хусусий корхонаси раҳбари:***

— Корхонамиз 2013 йилда иш бошлаган. Бугунги кунда брусчатка ва тратуар плиталари ишлаб чиқармоқдамиз. Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида маблағ олиш учун ОАТБ «Капиталбанк» Нукус филиали томонидан таклиф этилаётган кредит турлари ва унда кўрсатиб ўтилган шартлар билан қизиқиб кўрдик. Улар бизга маъқул келди. ОАТБ «Капиталбанк» Нукус филиалидан 17,0 миллион сўм кредит олдик. Фаолиятимиз кенгайиши эвазига қўшимча 3 янги иш ўрни яратдик.

**Анар РЕЙМОВА,**
***«Синтех транс сервис» МЧЖ раҳбари:***

— Жамиятимиз дори-дармон маҳсулотлари чакана савдоси билан шуғулланади. Фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятимиз бор эди. Аммо маблағимиз етарли бўлмагани боис қўлимиз калталик қилаётганди. Шунда тижорат банкларига мурожаат қилдик ва бизга ОАТБ «Капиталбанк» Нукус филиалининг таклифлари маъқул бўлди. Ушбу банк филиалидан 12,0 миллион сўм кредит олдик. Эвазига 2 нафар ёш йигит-қизни муқим иш билан таъминладик. Даромадимиз ҳам ортди.

**Зулхумар ҚУТИБАЕВА,**
***якка тартибдаги тадбиркор:***

— 2011 йилдан буён Нукус шаҳар деҳқон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари ва яхна ичимликлар чакана савдоси билан шуғулланиб келмоқдамиз. Фаолиятимизни ҳам ОАТБ «Капиталбанк» Нукус филиалидан олган кредитимиз эвазига йўлга қўйгандик. Молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида ишимиз юришди. Банк филиалига яна мурожаат қилдик ва жами 48,0 миллион сўм кредит олдик. Фаолиятимиз кенгайиши эвазига 3 нафар ёш иш билан таъминланди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**


**ОБ-ҲАВО** *20-21 — 05. 2014*

**Юртимиз бўйлаб (°С)**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +15 / +20 | +23 / +28 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +17 / +22 | +25 / +30 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +15 / +20 | +25 / +30 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +17 / +22 | +30 / +35 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +17 / +22 | +30 / +35 |
| Тошкент шаҳри | +17 / +19 | +28 / +30 |

**Дунё бўйлаб (°С)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +19 / +18 |
| Париж | +22 / +23 |
| Москва | +26 / +28 |
| Мадрид | +19 / +15 |
| Пекин | +32 / +32 |
| Канберра | +19 / +19 |
| Рим | +25 / +28 |
| Афина | +26 / +27 |
| Токио | +24 / +22 |
| Стокгольм | +23 / +23 |
| Кейптаун | +17 / +17 |
| Қоҳира | +33 / +34 |
| Гавана | +28 / +28 |
| Вашингтон | +24 / +27 |


**Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**РЕКЛАМА**

# Қашқадарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

**«Қарши халқаро аэропорти» давлат унитар корхонаси ҳудудидаги Парвозларда қидирув ва авариядан қутқарув ишларини таъминлаш хизмати (СПАСОП) ходимлари учун ҳарбийлашган қўриқчилик бўлими (ВОХР) биносини реконструкция қилиш»**

*Объектнинг бошланғич нархи:* қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 358565000 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 298804166 сўм, қурилиш муддати — 5 ой.

*Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш* — «Ўзбекистон ҳаво йуллари» МАК маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*Буюртмачи:* «Қарши халқаро аэропорти» ДУК.

*Манзили:* Қарши шаҳри, Махтумқули кўчаси, 3-уй.

*Телефон:* (8-375) 228-52-53.

***Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:*** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Қашқадарё вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси кўчаси, 46-А уй.**
**Телефон/факс: (8-375) 224-05-24, 224-18-33.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 90 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Махтумқули кўчаси, 3-уйда ўтказилади.

# Самарқанд давлат чет тиллар институти

## профессор-ўқитувчилар лавозимларига битим асосида танлов эълон қилади:

1. Осиё мамлакатлари тиллари кафедраси мудири — фан доктори ёки фан номзоди.
2. Осиё мамлакатлари тиллари кафедраси корейс тили ўқитувчиси — 1 ўрин.
3. Осиё мамлакатлари тиллари кафедраси япон тили ўқитувчиси — 1 ўрин.
4. Осиё мамлакатлари тиллари кафедраси хитой тили ўқитувчиси — 1 ўрин.
5. Назарий тилшунослик ва шарқ тиллари кафедраси араб тили ўқитувчиси — 1 ўрин.

***Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:***

1. Ректор номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисида дипломлардан нусха.
3. Илмий ишлар рўйхати.
4. Паспорт нусхаси.
5. Сўровнома.
6. 2 дона 3х4 см ҳажмдаги рангли фотосурат.
7. Маълумотнома (объективка).

***Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.***

*Манзил:* **Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй, Самарқанд давлат чет тиллар институти, кадрлар бўлими.**



MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 560
18743 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 00.00
Topshirilgan vaqti — 01.00
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5